



## NURTURING YOUNG PEOPLE WITH HIGH ARTISTIC AND INTELLECTUAL POTENTIAL. ISSUES OF DRAMATURGY IN PUPPET THEATER

Avezov MirzoUlug'bek Komiljon o'gli <sup>1</sup>, Abduxalilov Azamjon Abdullaxanovich <sup>2</sup>

<sup>1</sup> 2nd year student of "Puppet Theater Acting"

<sup>2</sup> Supervisor: Associate Professor

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4700348>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>th</sup> April 2021

Accepted: 17<sup>th</sup> April 2021

Online: 19<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

*Puppet theater, fairy tale, child, upbringing, personality.*

### ABSTRACT

*This article discusses the types, history and drama of the Uzbek National Puppet Theater. The author also tries to assess the role of the industry in the field of educational work, educational issues, as well as problems of drama.*

## ЮКСАК БАДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ТАРБИЯСИ. ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА ДРАМАТУРГИЯ МАСАЛАЛАРИ

Avezov MirzoUlug'bek Komiljon o'gli <sup>1</sup>, Abduxalilov Azamjon Abdullaxanovich <sup>2</sup>

<sup>1</sup> 2-курс "Қўғирчоқ театри актёрлиги санъати" таълим йўналиши талабаси

<sup>2</sup> Илмий раҳбар: доцент

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 13-aprel 2021

Ma'qullandi: 17-aprel 2021

Chop etildi: 19-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

*Қўғирчоқ театр, эртак, бола, тарбия, персонаж.*

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада ўзбек миллий қўғирчоқ театри турлари, тарихи ва драматургияси хусусида сўз боради. Шунингдек, муаллиф соҳани хизмат фаолияти, тарбия масалаларида аҳамияти, қолаверса драматургия масалалари ҳолатини баҳолашга интилади.*

## ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ С ВЫСОКИМ ХУДОЖЕСТВЕННЫМ И ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫМ ПОТЕНЦИАЛОМ. ВОПРОСЫ ДРАМАТУРГИИ В КУКОЛЬНОМ ТЕАТРЕ

Авезов МирзоУлуғбек Комилжон ўгли<sup>1</sup>, Абдухалилов Азамжон Абдуллаханович<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Студент 2 курса факультета «Актерское мастерство театра кукол».

<sup>2</sup> Научный руководитель: доцент

### ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 13 апреля 2021 г.

Утверждено: 17 апреля 2021 г.

Опубликовано: 19 апреля 2021 г.

### КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

*Театр кукол, сказка, ребенок, воспитание, личность.*

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье рассматриваются виды, история и драма узбекского национального театра кукол. Автор также пытается оценить роль отрасли в области воспитательной работы, образовательных вопросов, а также проблем драматургии.*



Ўзбек миллий кўғирчоқ театр санъати жуда чуқур тарихга эга бўлиб, унда „Чодир жамол“, „Чодир ҳаёл“ ва „Фонус ҳаёл“ турлари фаолият олиб боргани манбалардан маълум. Шулардан; „Чодир жамол“ тури томошалари мамлакатимизда ўз даврида кенг тарқалган. Унда айлана ёки тўрт бурчак шаклда актёр белига маҳкамланувчи чодир шаклидаги бир актёр ижросига мосланган ва корфармон жўрлигида томоша кўрсатиладиган туридир. Аксар бундай томошаларда бир ёки икки персонаж иштирок этиб, кўғирчоқларнинг кўлқопли тури ишлатилган. Бугунги кунда ҳам Мустақиллик куни, Наврўз, Бойсун бахори, Миллий бахшичилик, Хосил байрами, Гул байрами каби халқ сайиллари ва давлат тадбирларида бу тур томошаларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Аксарият бу каби томошаларда махсус пьесалар ёзилмай, одатда байрам мавзусидан келиб чиқиб, миллий қахрамонларимиз Качал полвон ва Бичихоннинг турмуши намунасида замон камчиликларни енгил юмор асосида импровизацияга қурилади.

„Чодир ҳаёл“ эса кўғирчоқларнинг ипли тури-марионеткалардан кенг фойдаланилган. Томошалар махсус пьесалар асосида тайёрланган. Одатда бу тур томошалари учун махсус қурилган катта хонани эслатувчи жойларда фаолият кўрсатган. Актёрлар кўғирчоқларни юқоридан, махсус мосламалар орқали бошқарганлар.

Бизнинг давримизгача маълумотлари етиб келган яна бир кўғирчоқ театри санъатининг тури „Фонус ҳаёл“дир. Номланишидан ҳам илғаш мумкинки унда томошалар аксарият қоронғуликда чироқ, шағам ёки фонуслар ёрдамида кўрсатилган бўлиб, бугунги соялар театрини эслатади.

Ўзбек халқи кўғирчоқбозлари санъати илк бор Ўрта Осиё халқлари тарихи ва этнографияси билан қизғин шуғулланган рус олимлари Н.П.Остроумов Н.С. Ликошинларнинг диққатини ўзига тортган ва улар ўз асарларида бу санат хусусида қизиқарли саҳифалар битиб қолдирганлар.

Кўғирчоқ театри томошалари ҳам санатнинг бошқа турлари қаторида ўз даври меҳнаткашларнинг оғир турмуши, ундаги адолатсизликларни сатирик жанрда саҳнада акс эттирган. Шу билан бирга албатта болалар ва ўсмирларга ахлоқий аҳамиятга эга пьесаларни кўрсатганлар. Ўз ўрнида бу уларни юксак манавятли қилиб тарбиялашда муҳим қурол бўлиб хизмат қилди.

Ҳозир кунда кўғирчоқ театри санъатида турфа хилдаги замонавий, миллий руҳдаги, ёрқин рангларда ифода этилган кўғирчоқларни учратиш мумкин. Мисол ўрнида; симли, кўлқопли, планшет, марионетка, соя кўғирчоқлар турлари ва театр никобларни санаб ўтиш мумкин.

Кўғирчоқ театри ўзига хос бетакрор санъатдир. Ёш томошабиннинг санъатга ошнолиги илк бор кўғирчоқ театридан остонасидан бошланади. Театр саҳнасида жонланиб, тилга кирган кўғирчоқ персонажлари болаларга бекиёс завқ- шавқ, манавий озуқа бахш этади. Болаларни ҳаёт жумбоқлари устида бош қотиришга ундайди. Гўзаллик, дўстлик, адолат, ҳалолик, поклик, меҳнатсеварлик, туйғуларини уларнинг қалбига жо этади. Бир сўз билан айтганда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон бўлиб тарбиялашда ўрни сезиларли. Шу сабабли кўғирчоқ театр соҳасида жанр жихатдан ранг-баранг, замон талабига жавоб бера оладиган, бой мазмунга эга, ғоявий етук ва миллийликни тарғиб этувчи асарлар бўлиши шарт.

Бугунги кунда Республикаимизда 10та профессионал давлат кўғирчоқ



театрлари ёш томошабинларга хизмат килиб келмоқда ва уларнинг репертуарларидан миллий ва хорижий муаллифлар томонидан ёзилган асарлар жой олган. Биргина пойтахтдаги “Ўзбекистон давлат кўғирчоқ театри” мисолида ўнлаб шунга ўхшаш спектакллари санаб ўтиш мумкин. Жумладан; “Қарсилдоқ” Гофман асари, „Гугурт кўтарган қиз” Ганс Христиан Андерсон, „Куёш нурчаси” Александр Попеску, „Уч чўчкача” Сергей Михалков, „Оппоёй ва етти гном” Ака-ука Гримм эртаклари асосида в.х.к. Бу асарлар жахон сахналарининг ўлмас дурдоналардир. Шунингдек, “Яна Андресен” Д. Йўлдашева, реж; Динара Йўлдашева, рассом Сергей Сидухин, “Сирли ўғирлик” Д. Йўлдашева, “Миёвлаган ким бўлди?” Д.Йўлдашева, реж; Д. Йўлдашева, рассом Нодира Йўлдошева, “Юлдузли бола” Д. Йўлдашева, реж; Динара Йўлдашева, “Қувноқ арава” Исоқтой Жуманов, реж; Ф.Хўжаев, “Фотиманинг саргузаштлари” Н.Хабибуллаев асари реж; Михаел Бобононов, “Карвонсарой” Лукиянова асари, реж; Исо Ёкубов ва бошқалар.

Кўринадик, ёш авлод яъни бизнинг келажакимиз бўлган болалар дунё қараши тўғри шакилланиши, манавий юксалтириб, миллий кадрларни улар онгига сингдиришда ва тўғри шакллантиришда кўғирчоқ театри драматурглариининг хиссаси каттадир. Шу маънода “Кўғирчоқ театри санъати” кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марям Ашурова шундай ёзади; “– Кўғирчоқ театри драматурги болалар психологиясини, улар хулқ-атворини, рухиятини, ҳаётда тутган ўрнини,

қизиқишлари-ю, интилишларини, атрофини ўраб турган борлиқдаги ҳал қилолмаган жумбоқлари ечимини билиб, уларни оқил йўлбошчисига айланиши керак”<sup>1</sup> дейди.

Кўғирчоқ театри драматурглариининг елкасида жуда улкан масулят бўлиб, улар ёзаётган пьесаларда болаларга хос беғуборлик, доим янгиликка интилиш, меҳр, гўзаллик, садоқат каби туйғуларни сахна воқеалари орқали шакллантириш лозим. Чунки болалар билан ишлаш, уларнинг рухиятини тушиниш, яхши-ёмони ажратишни ўргатишда минг бора айтгандан бир бора кўрган яхши қабилда иш тутмоқ натижалироқдир. Бунда кўғирчоқлар ёрдамида уларнинг рухиятига миллийликни, ананаларимизни сингдириш ўзига хос услубларни асарлари орқали қўлловчи бу драматурглариининг. Ана шундай ўзбек ижодкор-драматурглариининг М.Қодиров, Х.Расул, Т.Йўлдошев, Т.Қозоқбоев, Н.Қобилов, М.Ашуровларни айтиш мумкин.

Бугунги кунда кўғирчоқ театри учун янги асарларни ёзаётган драматурглариининг камайиб кетмоқда. Шундан бўлса керак республика кўғирчоқ театрлари чет эл ёзувчилари асарларига кўпроқ мурожаат этилмоқда ва ёш томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Аммо бугуннинг талаби миллий профессионал, юксак бадиийликни ақс эттирган спектакллариининг эҳтиёж баланд. Ахир кўғирчоқ театри санъатида орзулар рўёби, ақил бовар қилмас мўъжизалар рўй берар манзил экан, нега энди миллий тарихимизни ёритувчи ва буюк боболаримиз Жаллолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо в.х.к. авлодларга ўрнак бўладиган

<sup>1</sup> М.Ашурова. Меҳрдан яралган олам. Т.: “Zamon poligraf” ОК, 2019 й.4-б..



ватанпарвар, марифатпарвар сиймоларимиз театр репертуарларини безамаслиги керак? Томошабин доимо хайратланиши, янгилик кутиши бу сир эмас. Айниқса жажи томошабинлар. Балки шулар сабаб, энди ота-оналар фарзандлари билан кўғирчоқ театрларига боришдан кўра уларни уйда компьютер олдида қолдиришни авзал кўрадилар.

Ахир келажак авлодни миллийлик рухида тарбиялаш, замон билан ҳамнафас қилиб тарбиялашда кўғирчоқ театри катта аҳамият касб этади. Профессианализм борасида аввало кемтиклар репертуар танлашда кўриняпти. Буни тўлдириш учун театрда кўғирчоқ театрида сахнанинг ўзига хос имкониятларидан хабардор, уни инобатга олувчи драматург-инсценировкachi муҳим ўрин тутди. Афсуски бундай мутахассислар камайиб кетмоқда. Эртақ, қисса ва ҳикояда адабий баёнчилик мавжуд ва сўз кўп. 2018 йил анъанавий Республика профессионал давлат кўғирчоқ театрлари кўрик-фестивалида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Сарвиноз Қодирова шундай дейди: “–Кўғирчоқ театри сахнаси ҳар қандай жанрий кўринишдаги пьесаларни ҳазм қила олмайди. Бу театр турининг ўзига хос репертуари бўлади. Мазкур театр сахнасида мусиқа, ракс, юмор, сатирик кўринишлар, эртақ

мўжизалари жиддият билан қоришиб кетади.”<sup>2</sup>

Бадий адабиётда тасвирланган воқеликни кўғирчоқ театрининг ўзига хос мезонлари нуқтаи назаридан қайта тузиш мураккаб жараён. Шунинг учун эса маҳоратли драматургларни театрға жалб қилиш, сахналаштирувчи режиссёр билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарур. Театр сахнаси имкониятлари, актёрлар ва кўғирчоқ турларини пухта билиш керак. Ишни бизнингча таълим жараёнидан, бу таълим йўналиши тайёрланаётган босқичларни ўрганишдан бошлаш керакдек.

Умуман, олганда ҳар бир ишнинг ёмон ва яхши томони бўлганидек. 2018 йил июнь ойида Тошкентда ўтказилган ХI-Республика профессионал давлат кўғирчоқ театрлари фестивалида юқоридаги истақлар рўёбига гувоҳ бўлдик. “Широқ”, “Тўмарис” каби элпарвар миллий қахрамонларимизга аталган спектакллар сўзимиз исботи.

Шу камчилик ва ютиқларни инобатга олган ҳолда айтиш керакки, республика кўғирчоқ театр жамоалари доимий изланишдалар. Болалар драматургиясини шакилланишида, талқин ва ижрода профессионал, бадий уммумлашмаларға бой сахна асарлари яратишға ҳаракат қилишмоқда.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. М.Ашурова. Мехрдан яралган олам. Т.: “Zamon poligraf” ОК, 2019 й.
2. Республика давлат кўғирчоқ театрларининг профессионал фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-амалий ечимлари. Республика илмий-амалий семанари. Тошкент. 2018й.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият., 2008
4. Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.: Ўқитувчи., 1981.
5. Қодиров М. Қодирова С. Кўғирчоқ театри тарихи. Т.: Талқин, 2006.

<sup>2</sup> Республика давлат кўғирчоқ театрларининг профессионал фаолиятини такомиллаштиришнинг

илмий-амалий ечимлари. Республика илмий-амалий семанари. Тошкент. 2018й.